

Арбаъин / Арбаъин / 16-ҳадис

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَوْصِنِي، قَالَ: "لَا تَعْضَبْ فَرَدَّدَ مِرَارًا، قَالَ: "لَا تَعْضَبْ".

(رواه البخاري).

Ғазаб қилма - жаннатий бўласан!

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: “Менга насиҳат қилинг”, деди.

- **Ғазаб қилма!** - дедилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам. Ҳалиги одам илтимосини бир неча бор тақрорлади.

- **Ғазаб қилма!** - дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам”. (Имом Бухорий ривоятлари).

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

1. Мусулмоннинг хулқи

Мусулмон фарзанди гўзал ахлоқлар билан сифатланган, ҳилму ҳаё ила зийнатланган бўлади. Тавозе либосини кийган бу инсон ўзгаларга раҳмдиллик билан муомала қиласди. У бирорлар оғирини ўз елкасига олади, озор-азиятларга сабр қиласди, жазолашга қодир бўла туриб дилозорни афв этади, ҳамиша ғазабини боса олади... Хуллас, улуғ сифатлар ва гўзал ахлоқларни ўзида мужассам этади.

Саҳобий дунёю Охират яхшилигига етишиш умидида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан насиҳат сўраганида, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир оғиз лўнда ибора билан унга насиҳат қилдилар: “Ғазаб қилма!”

Мазкур ибора ҳар бир хайр-яхшиликка даҳлдор ва барча ёмонликка тўсиқ бўлган насиҳат эди.

2. Жаннатга бўлган муҳаббат ва унга олиб борадиган йўлларни излаш

Жаннат талабгори бўлмиш улуғ саҳобий ўзининг раҳнамоси, Фирдавси

аългага етакловчи йўлбошчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёдлаш ва англаш осон, аниқ ҳамда лўнда бир насиҳат сўради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг сўровига мос, ҳамма замонларга хос тарзда жавоб қилдилар: “Ғазаб қилма!” Яъни юксак, набавий, қуръоний, иймоний ахлоқлар соҳиби бўл! Агар ана шундай олий ахлоқларни эгаллай олсанг, ғазабга қул бўлиб қолмайсан ва Аллоҳ розилигию жаннатига бошловчи ҳақ йўлингдан тойилмайсан.

3. Ҳалимлик ва босиқлик дунёю Охират саодатига бошлайди

Эй жаннатга дохил бўлишдан умидвор мусулмон биродар! Табиатингиз устун келиб, аччиғингиз чиққан кезда ўзингизни ғазаб ҳукмига топшириб қўйманг. Токи ёвузлик кучлари сизни ҳар кўйга солмасин. Ғазаб ҳукмрон бўлган пайтда банда ҳаром ишларга қўл уриб қўйиши мумкин. Шу боис, ғазабингиз аланга олишига йўл қўйманг. Тақводор, комил иймонли мусулмон қандай бўлиши лозимлигини эсланг. “Парвардигорингиз томонидан бўлгуси мағфиратга ҳамда тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган, эни осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннатга шошилингиз. (У тақводор зотлар) яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиласидиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларни афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади”. (Оли Имрон сураси, 133-134-оятлар).

Ғазабингизни жиловлашни ўрганинг, шунда Аллоҳ таолонинг ғазабидан омон қоласиз ва тақводор зотлар сафида сиз ҳам жаннат аҳлига айланасиз.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадилар:

- Аллоҳ азза ва жалланинг ғазабидан мени нима узоклаштиради?
- Ғазаб қилма! - деб жавоб бердилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. (Аҳмад ривоятлари).

Ҳасан Басрий айтадилар: “Кимда-ким қуидаги тўрт хусусиятга эга бўлса, Аллоҳ таоло уни шайтондан асрайди ва дўзахга ҳаром қиласи: рағбат, қўркув, шаҳват ва ғазаб пайтида ўзини қўлга олиш”.

4. Ғазаб барча ёмонликнинг бошидир

Яна юқоридаги ҳадисга қайтамиз. Насиҳат сўровчи саҳобий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Ғазаб қилма!” деган каломни эшиитди ва қабул қилди. Бироқ шу лўндагина ҳикматли сўз билан кифояланмасдан яна ва яна насиҳат сўради. Улуғ саҳобий жаннатга киришдек улуғ мақсади учун бундан-да етукроқ ва фойдалироқ кўрсатма олмокчи бўлган эди. Бироқ у ҳар гал “Насиҳат қилинг”, - деганида, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир хилда “Ғазаб қилма!” насиҳатини эшитарди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур насиҳатни такрор-такрор қайтаришлари билан агар тўлиқ идрок этиб амал қилинса, шунинг ўзи етарли эканини таъкидладилар.

Оқил мўмин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таъкидлари таъсирида у зотнинг мақсадларини англади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан насиҳат сўраган саҳобий айтадилар:

“Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларини фикр қилиб, шундай хulosага келдим: ғазаб дунёдаги жамики ёмонликни ўзида жамлар

экан". (Аҳмад ривоятлари).

Яъни ғазабини енга олган киши барча ёмонликни тарк этган бўлади. Барча ёмонликларни тарк этган киши эса жамики яхшиликка эришган ҳисобланади.

Сизга Аллоҳнинг салавоти ва саломи бўлсин, Ё Расулуллоҳ! Пок Парвардигор сизни энг гўзал мукофотлар билан тақдирласин! Сиз бизга хусни хулқни ўргатдингиз. Барча ёмонликнинг калити бўлмиш хавфли хислатдан огоҳ этдингиз...

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўради:

- Энг яхши амал нима?

- Хусни хулқ! Бу иложи борича ғазаб қилмаслигингдир, - деб жавоб бердилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам.

5. Ғазаб заифлик, ҳалимлик эса қувват белгисидир

Ғазабга берилиш, бирпасда ловуллаб кетиш кишининг заифлигини билдиради. Бундай кишилар гарчи соғлом ва бақувват бўлсалар-да, заиф ҳисобланадилар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Кучли деб ҳаммани енгадиган кишига айтилмайди. Ғазабланган пайтда ўзини қўлга ололган одам кучлидир!".

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

6. Ғазабнинг ҳалокатли оқибатлари

Жиззакилик bemaza xulq, ёмон табиат ва ҳалокат келтирувчи қуролдир. Ғазабга қул бўлган банда, унинг хунук оқибатларидан қочиб қутулолмайди. Бу кўнгилсиз оқибатлар аввало унинг ўзига, иккинчидан эса жамиятга зарар келтиради.

- Ғазабнинг кишига етказадиган заарлари жисмий-моддий, хулқий-маънавий ва руҳий-диний йўқотишлардан иборат.

Сиз дарғазаб кимсанинг ҳолатини кузатсангиз, бунинг моҳиятини тўлат-тўқис англаб етасиз. Унинг ранги ўзгаради, қони қайнайди, томирлари бўртади, бармоқлари калтирай бошлайди, ҳарақатларидан маъно кетиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Ғазабдан ўзини йўқотиб қўйган одамнинг тилидан хунук ҳақоратлар ёғилади. Баъзан оғзидан куфр сўзлари ҳам чиқиб кетади. Устига-устак, унинг жоҳилона ҳатти-ҳаракати туфайли молу жонига зиён-заҳматлар етади.

- Ғазабнинг жамиятга зарари: ғазаб қалбларда нафрат уйғотади, фаламисликка ундейди. Охир-оқибат у ўзига қул бўлган кишини бошқалардан ажратиб олади. Ғазабу нафратга тўлган қалб ўзгалар мусибатидан қувонади. Пировардида, одамлар орасига зулм оралайди. Яқинлар алоқаси узилади, ёру-дўст ораси бузилади. Ҳаёт издан чиқади.

7. Ғазабни даф этиш ва даволаш йўллари

Ғазабланиш ҳар бир инсонга хос хусусият. Бироқ ҳақиқий иймон эгалари ғазабни қўзғовчи сабаблардан йироқ юриш ва уни муолажа этиб бориш орқали ўзларини мана шу ёқимсиз феъл-атвор ёмонликларидан омон

сақлайдилар.

• Фазаб сабабчилари. Фазабга сабаб бўлувчи омиллар жуда кўп ва хилмахилдир. Кўйида биз уларнинг баъзиларини санаб ўтамиз: кибр, бошқалардан ўзини катта олиш, ўзгаларни масхара қилиш, ноўрин ҳазил-мазахлар, талашиб-тортишиш, бирорларнинг ишига тумшук суқиш, мол-мулк ва мансабу обрў ортидан қувиш...

Мусулмон фарзанди бундай bemaza xulq-atvordan halos bўliishi kerak. U turli-tuman bemayni odatlaridan uzini olij tutsin.

• Фазабни даволаш йўллари. Фазабдан қутулиш учун киши сабр, мулоимлик, событлик ва оғир-босиқлик каби гўзал ахлоқларни ўзида шакллантирмоғи kerak. Биз ҳар бир соҳада Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўrnak olamiz. Қаранг-а, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу масалада қандай йўл тутгандар:

Зайд ибн Саъна мусулмон бўлишидан олдин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, жуда қўполлик билан қарзини сўрайди. Ҳолбуки, қарз муддати ҳали битмаган эди. Зайд мана шу ерда нубувват сифатини кўрди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳалимликлари ғазабларидан муқаддам турарди. Жоҳилнинг жаҳли-ғазаби у зотнинг ҳалимликларини зиёда этарди, холос. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайдга табассум қилиб, бағрикенглик билан муомала қилдилар. Умар розияллоҳу анҳу эса уни жеркиб ташладилар. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар розияллоҳу анҳуга ҳам, Зайдга ҳам таълим-тарбия бўлсин учун дедилар: “Эй Умар! Мен ҳам, у ҳам бошқа нарсага муҳтоҷроқмиз. Сен мени қарзни чиройли адо этишга, уни эса қарзини яхшилик билан сўрашга чақиргин”.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Саънанинг қарзини бериб юборишини ва Умар етказган азият учун қўшимча ҳақ ҳам беришни буюрдилар. Мана шу ҳодиса Зайднинг Исломга кириб, Аллоҳ бундай яхшиликлар қилувчиларни севади”. (Ибн Ҳиббон, Ҳоким ва Табароний ривоятлари).

Фазабланган киши иложи борича ўзини тутсин. Фазабнинг хунук оқибатинио кечиримлийкнинг фазилатини эсга олсин. “Тақводор зотлар яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиласиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларни авф этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшиликлар қилувчиларни севади”. (Оли Имрон сураси, 134-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Фазабини амалга оширишга қодир бўла туриб, ўзини босган бандани Аллоҳ таоло Қиёмат куни бутун ҳалойик олдида чақиради ва унга истаган ҳурини танлаш ихтиёрини беради”. (Аҳмад, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривоятлари); “Аллоҳ учун ғазабини ютган банданинг ичи иймон билан тўлдирилади”. (Аҳмад ривоятлари).

Абу Довуд ривоятида: “Аллоҳ уни омонлигу иймон билан тўлдиради”, дейилган.

Фазаби қайнаган киши “Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм” деб, Аллоҳ таолодан паноҳ сўрасин. “Агар сизни шайтоннинг шарри тутса, Аллоҳдан паноҳ сўранг! Албатта У Эшитувчи, Билгувчиидир”. (Аъроф сураси, 199-оят).

Икки киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида уришиб қолди. Улардан бири ғазабланиб, юзлари қизариб, иккинчисини ҳақорат қиласади.

“Мен бир калимани биламан”, - дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам - Агар у ушбу калимани айтса, ғазаби тарқалиб кетади: “Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм”.

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Ғазаби келган киши дарҳол ҳолатини ўзгартирмоғи лозим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Агар қай бирингизнинг ғазаби келса, тик турган бўлса, ўтириб олсин. Агар шунда ҳам ғазаби тарқамаса, ётиб олсин!” (Аҳмад ва Абу Довуд ривоятлари). Чунки тик турган киши ғазабланганда бирон нарса қилиб қўйиши мумкин. Ўтирган ёки ётган киши эса бирон ножӯя ҳатти-ҳаракат қилишдан тийилади. Яъни унинг ҳолати бунга йўл қўймайди.

Ғазаб келганда сукут сақлаш керак. Чунки гоҳида кишининг оғзидан чиқаётган гаплар унинг ғазабини баттар алангалатиб юборади ёки қаттиқ афсус-надомат келтиради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуидаги сўзни уч бора такрорладилар:

“Агар қайси бирингиз дарғазаб бўлса, сукут қилсин!” (Аҳмад, Термизий ва Абу Довуд ривоятлари).

Ғазабни сўндирадиган воситалардан яна бири таҳоратдир. Маълумки ғазаб ҳароратни кўтаради. Сув эса кишини совутиб, асл ҳолига қайтаради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилаётиб шундай дедилар: “Билингларки, ғазаб одам боласи қалбида ёниб турган чўғдир!” (Аҳмад ва Термизий ривоятлари).

Таҳорат ибодатида Аллоҳ таоло зикри мавжуд. Инсондаги ғазабни алангалатиб турувчи шайтон эса ибодат қаршисида ортга чекинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Ғазаб шайтондандир. Шайтон эса оловдан яралган. Агар ғазабингиз келса, таҳорат қилинг!” (Аҳмад ва Абу Довуд ривоятлари).

8. Аллоҳ таоло учун ғазабланиш

Биз юқорида нафс учун бўлган ғазабнинг ёмонлиги ҳақида сўз юритдик. Бироқ Аллоҳ таолони деб, Унинг динини, буйруғу қайтариқларини, соғ эътиқодини ва мусулмон биродарларини ҳимоя этиб, дарғазаб бўлиш мақтовли хислатдир. “Улар билан жанг қилинглар, шунда Аллоҳ уларни сизларнинг қўлингиз билан азоблайди, расво қиласади ва сизларни уларнинг устига ғолиб этади ҳамда мўмин қавм дилларини қондириб, кўнгилларидаги ғам-андухни кетказади”. (Тавба сураси, 15-оят).

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чодирларидаги бокира кизларданда ҳаёлироқ әдилар. Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир нарсани ёқтирмасалар, биз буни у кишининг юзларидан билиб олар эдик”.

(Имом Бухорий ривоятлари).

Араблар қизлари учун уйнинг бир бурчагига парда тортиб, жой қилиб берар әдилар. Бокиралар номаҳрамлардан панада ҳаё билан жим ўтирадилар. Бу ерда «чодир» деганда ана ўша жой назарда тутилган.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч ғазаб қилмасдилар. Аммо

Аллоҳ таоло белгилаган ҳудуд поймол этилса, у кишининг ғазабига ҳеч нарса туриш беролмасди”.
(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

9. Инсон ғазаб устида қилиб қўйган ишларига ҳам жавоб беради
Киши ғазаб ҳолатида бироннинг қийматли нарсасига зиён етказиб қўйса, тўлайди. Ғазаб пайтида бир жонни қасдан ўлдирса, қасосга рўбарў қилинади. Оғзидан куфр калимаси чиқиб кетса, муртад бўлади. У тавбатазарру қилмоғи шарт. Ичган қасами ҳам, айтган талоғи ҳам ўтади. Яъни дарғазаблиги унга тўсиқ бўла олмайди.

10. Мусулмон киши ҳамиша фойдали нарсаларни ўрганишга, чиройли мавъизага ва хайрли насиҳатга муҳаббатли бўлмоғи лозим
Кам гапириб, кўп амал қилмоқ ва гўзал намуналарга иқтидо этмоқ фазилатли кишиларнинг одатларидир.

Манба: hadis.islom.uz

